Гос. книжная палата УзССР 0598

ВАТАН ХАРИТАСИ

Финляндиянинг Европа ишлари ҳамда ташқи савдо вазири Оле Норрбак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасига таъриф буюрди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов ўзаро мулоқотларнинг муваффақиятли кечаётганидан мамнуният изҳор қилди. Музокараларда имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг янада равнақ топиши учун муҳим омил бўлиши қайд этилди.

* * *

Бу йил қомусий билимлар соҳиби, жаҳон илм-фани ривожига беҳаҳо ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний таваллуд топганига 1025 йил тўлади. Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейида ана шу санага бағишлаб «Дунёни лол қолдирган олим» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада олимнинг асарлари, у ҳақдаги тарихий манбалар, илмий-бадиий адабиётларга кенг ўрин берилган. Беруний шаҳрида музей, кутубхона ва меҳмонхонадан иборат ёдгорлик мажмуи қурилмоқда. Унинг атрофида 12 гектар майдонда боғ барпо этилади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини хўжалик судлари фаолиятида қўллаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Пленумда хўжалик судлари мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш, корхоналарнинг иқтисодий ҳолати учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш борасида муайян ишларни амалга ошираётганлиги таъкидланди.

* * *

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Германиянинг «Гейделберг — Марказий Осиё» фирмаси полиграфия ўқув-кўргазма марказининг семинар-тақдимот маросими бўлди. «Гейделберг» матбаачиликда замонавий техникани қўллаш ҳамда мутахассислар тайёрлаш борасида дунёнинг етакчи фирмаларидан ҳисобланади. Айни пайтда унинг ваколатхоналари 150 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирча Марказий Осиёда ягона ушбу ўқув-кўргазма марказида институтнинг ўқитувчилари ва талабалари германиялик мутахассислар ёрдамида матбаачиликда қўлланилаётган замонавий техникани ўрганади ва малака оширади.

* * *

Таиландда «Қирол кубоги» учун бокс бўйича анъанавий халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда 20 мамлакат, жумладан, Германия, Ирландия, Аргентина, АҚШ, Австралия, Россия командалари иштирок этди.

Рақобат кучли бўлишига қарамай, Ўзбекистон спортчилари умумкоманда ҳисобида мусобақа мезбонларидан кейинги иккинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга «Катта қирол кубоги» топширилди, Ўзбекистон спортчиларига эса турнирнинг махсус кубоги берилди.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Кеча Россия Федерацияси Давлат Думасида ҳукуматнинг янги раислигига Сергей Кириенконинг номзодини тасдиқлаш маросими бўлди. Президент Борис Ельциннинг бутун диққат-эътибори ана шу воқеага қаратилди. Бироқ, Кириенко номзодини тасдиқлаш масаласида кўпчилик турлича фикр билдирмоқда. Масалан, Россия либерал-демократик партияси раҳбари Владимир Жириновский Сергей Кириенконинг номзодини 228 депутат қўллаб-қувватлашини тахмин қилди. Аслида номзодни қўллаб-қувватлаш учун 226 овоз олиш кифоя.

***

Куни кеча Саудия Арабистонидаги ҳаж маросимлари якунланди. Бироқ, сўнгги кун қайғули хабар тарқалди. Анъанавий шайтонга «тош отиш» маросимида одамлар кўприкка кираётиб бир-бирларининг устиларига чиқиб кетишди. Улар манзилга тезроқ етиб олиш учун шошилишган эди. Оқибатда ҳожилардан 118 киши ҳалок бўлди. Арабистондан келган хабарларга кўра, ўзбекистонликлардан ҳеч ким шикастланганги йўқ.

***

Европа Иттифоқи мамлакатларида «яширин иқтисодиёт» миқёси йилига икки триллион доллардан ошиб кетди. Бу Буюк Британиянинг умумий ишлаб чиқарган маҳсулотига тенгдир. Европа комиссиясининг маълумотларига кўра, бу кўрсаткич Греция иқтисодиётининг учдан бир, шунингдек, Италия ва Испания иқтисодиётининг тўртдан бир қисмига тенг. Айни пайтда, Европа Иттифоқи мамлакатларининг 28 миллиондан зиёд аҳолиси «яширин иқтисодиёт» соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Айрим экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, «яширин иқтисодиёт»нинг гуллаб-яшнашига тадбиркорларнинг фаолиятини ўта синчковлик билан бошқариб туриш ва солиқларнинг ўта баландлиги сабаб бўлмоқда.

***

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов шу йилнинг 23-24 апрель кунлари АҚШга расмий ташриф билан боради. Бу ҳақда АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Росс Уилсон хабар берди. Айни пайтда, томонлар икки мамлакат раҳбарлари ўртасида Вашингтонда имзоланадиган ҳужжатларни тайёрлашмоқда. Ушбу ҳужжатларга кўра, икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш, углеводородли манбаларни қазиб олиш ва Туркманистондан ташқи бозорга чиқариш, бундан ташқари агросаноат комплекси, маориф ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилади.

***

Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн французлик меъморларга янги масжид биносини лойиҳалашни топширди. Унинг фикрича, бу масжид бутун араб дунёсини бирлаштириб туриши зарур эмиш. Меъмор Жак Баррьер ва мухандис Даниэл Ганишо улкан лойиҳалар тузиш борасида катта шуҳрат қозонишган. Ҳусайннинг буюртмасига кўра, Маккадаги Буюк масжиддан ҳам ҳажми жиҳатидан каттароқ масжид қуриш мўлжалланган. Бу ерда баландлиги 70 метрлик гумбаз ҳам бунёд этилади. 8 та миноранинг баландлиги эса 250 метрдан ошади.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 11 апрель, шанба • № 44 (22.281).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади:

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилига белгиланганидан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар.

2. Белгилаб қўйилсинки, кичик ва ўрта корхоналар одатда ҳомашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияни олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинсин.

Қўрғонлар, қишлоқ ва овулларда янгидан барпо этилаётган, ишлаб чиқариш-техника соҳасига мўлжалланган маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек, қурилиш фаолияти билан шуғулланадиган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси 31-моддасининг 18-банди татбиқ этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган имтиёзлар фақат Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаригагина тегишлидир.

4. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўз вазифаси ва фаолият йўналишларини кенгайтириш ҳақидаги таклифлари қуйидаги ҳолларда қабул қилинсин:

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш, сармоя жалб этиш жараёнининг барча босқичларида сармоя лойиҳаларининг, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредитлар лойиҳаларининг самарадорлиги мониторингини ўтказиш;

корхонанинг катта-кичиклиги, мулк шакли ва соҳа бўйича кимга бўйсунишидан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга дастлабки ҳисоб-китоб ва ҳисобот, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларга профессионал таълим бериш билан боғлиқ бўлган барча масалаларда кўмаклашиш;

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорларининг амалда бажарилиши борасидаги ишларни йўлга қўйиш;

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк» кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошираётган тадбирларни мувофиқлаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банкларининг:

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк»нинг Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлиб кириши ҳақидаги;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, тармоқ ва ҳудудий хўжалик бирлашмалари ва улар таркибига кирадиган корхоналарга кредит беришни амалга ошираётган тижорат банклари Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятида шартнома асосида, унинг билвосита аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги;

ҳудудий хўжалик бирлашмалари, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, бозор инфратузилмаси ташкилотларининг палатанинг марказий ва минтақавий кенгашлари фаолиятида уларнинг аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг 4- ва 5-бандларидан келиб чиқадиган барча зарур низом ўзгаришларини амалга оширсин.

6. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ташкилий фаолиятини яхшилаш мақсадида фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватловчи Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасининг уни Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига айлантириш, айни вақтда, Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фондини Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, деб аташ ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқон ва фермер хўжаликларини шартнома асосида ўзининг аъзолари сифатида бирлаштиради, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил нодавлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

«Замин» банкининг деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятида унинг аъзоси сифатида иштирок этиш;

Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун 20 мингдан 125 минг АҚШ долларигача миқдордаги ўрта муддатли микро ва кичик кредитларга асосланган кредит йўналиши ажратиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун, деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳам қўшган ҳолда, сармоя лойиҳаларига ажратилган хорижий кредитларни қайта тақсимлашдан тушадиган воситачилик йиғимларининг умумий миқдори субкредит суммасидан олинадиган йиллик фойданинг 0,15 фоизидан ошмаслиги лозим;

хорижий кредит йўналишлари бўйича олинган кредитларни тўлаш муддати улар субзаёмга қайта тақсимланаётганида 3 ойдан ортиқ муддатга қисқартирилиши мумкин эмас.

8. Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари фондларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш бўйича барча операциялари тижорат банклари, жумладан, «Тадбиркорбанк» ва «Замин» банки орқали, бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган бош битимлар асосида кредит йўллари очиш орқали амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўзининг ихтисослашган ташқи савдо фирмалари орқали кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишни ташкил этсин. Уларга хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотини ўтказишда кўмаклашсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳудудий бўлимлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, маҳаллий солиқ ва статистика хизматлари билан биргаликда 1998 йил 1 июлига қадар барпо этилган ва ишлаб турган кичик ва ўрта бизнесга мансуб барча корхоналарнинг сонини аниқлаш мақсадида, уларнинг рўйхатини инвентаризациядан ўтказсинлар;

хусусий кичик ва ўрта корхоналарнинг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли ҳудудий бўлимларига ёки деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига белгиланган тартибда аъзо бўлиб киришига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсинлар;

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини барпо этилаётган ва тугатилаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳақидаги ахборот билан ҳар ойда таъминлаб турсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида:

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида;

деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида;

кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилсин.

12. Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни мазкур Фармон қоидаларига мувофиқлаштириш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 апрель.

КЎКЛАМ СЕВИНЧЛАРИ. Ш. ШАРОПОВ олган сурат

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИДА

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул муомаласини тўғри ташкил этишга доир қарорларининг шу йилнинг 1-чорагидаги ижроси якунлари, айрим корхона ва ташкилотларда иш ҳақи базавий фонди даражаси ҳамда валютани тартибга солишга доир бир неча муҳим масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси — мазкур комиссия раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

Жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш ва муомалага нақд пул чиқариш кўрсаткичлари умуман республика миқёсида кўзда тутилган даражада бўлди. Ижчил пул-кредит сиёсати юритилиши натижасида пул кассасининг ўртача ойлик ўсиш суръати ҳисобот даврида сезиларли даражада пасайди. Банк кассаларига кўзда тутилганидан 1,6 фоиз кўп нақд пул келиб тушди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат миқёсида муомаладан ортиқча нақд пул олишга эришилди.

Ҳисобот даврида республикамизнинг 183 та, жумладан, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг барча шаҳар ва туманларида муомалага нақд пул чиқариш ҳажми белгиланган даражадан ошмади.

Мажлисда Андижон вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раҳбарларининг эътибори ҳисобот даврида мазкур ҳудудларда касса режаси бажарилмаганига қаратилди. Шу боис касса режасини бажармаган Андижон вилоятидаги Андижон, Асака шаҳарлари ва Хўжаобод тумани, Тошкент шаҳридаги Юнусобод, Миробод ва Чилонзор туманлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Йиғилишда айни раҳбарлар зиммасига пул муомаласидаги аҳволни тубдан яхшилаш ҳамда бу борадаги кўрсаткични апрель ойида бажариш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилди.

Комиссия мажлисида ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раҳбарларининг «Оила йили» деб эълон қилинган 1998 йилда иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар берилишини таъминлаб борасида амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Улар зиммасига жорий йилда мазкур тўловларни ўз вақтида бериб бориш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўриб бориш вазифаси топширилди.

Мажлисда касса режаси кўрсаткичларини уддалаган ва муомалага нақд пул чиқариш ҳажмини белгиланган даражадан оширмаган раҳбар ходимлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Ишда сусткашликка йўл қўйган раҳбарларга нисбатан маъмурий чоралар белгиланди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз)

СЕМИНАР-КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгашида халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимлари ҳамда бир қатор маҳаллаларнинг партия фаоллари иштирокида ислом дини мазҳабларига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар республикамиз Президенти томонидан олиб борилаётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, туман аҳолиси ва, айниқса, ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш лозим эканлигига эътиборни қаратдилар.

Л. ИСМАТОВА

КИТОБ ЎҚИМАЙДИГАН КИШИЛАР

НЕГА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА?

«Китоб жинниси» деган ибора бор. Бўш вақт бўлди дегунча, бирорта китобга муккасидан кетадиган, шундан илм оладиган, баҳра топадиган кишиларга нисбатан айтилади.

«Овқат жинниси» деган атама йўқ. Дастурхонга тикка ташлайдиган, топганини қорнига тиқадиганларга нисбатан шундай десак тўғри бўларди.

Фарқи—биринчи бирода-римиз маънавий нафсини, иккинчи ошнамиз , эса ҳайвоний нафсини қондиришга кўпроқ ишқибоз, холос...

Таассуф билан айтишим керак, сўнгги пайтларда автобус, поезд ёки бошқа ҳаракат воситасида кетаётган йўловчининг қўлида китоб кўрмадим. Зеро, инсоннинг энг бўш вақти — сафарга чиққан пайти, йўл босиб ўтаётган кези.

Зиёфат-базмларда ҳам янги чиққан китоб, таниқли асар ҳақида баҳс-мунозара юритилаётганига гувоҳ эмасман. Бундай пайтда тенгқурлар кўпинча карта, нардига зўр беришади. Тағин — кўпроқ ейиш ва ичишга...

Энг афсусланарлиси, баъзи лавозим эгалари бўлган кишилар маънавий дунёсини бойитиш «ташвиши»дан холилар... Улар учун ёзма сўз қайсидир қоғоз, кўрсатма-буйруқлар, таҳлиллар жамламаси.

Қизиқ ва ачинарли воқеага дуч келдим — каттагина хўжалик раҳбари билан чой устида адабиёт борасида сўзлашиб қолдик. Озодлик, эрк, истиқлол мавзусидаги янги асарлар, тарихий битиклар борасидаги суҳбатни «тўлдириш» учун хўжалик раҳбари сира кутилмаганда... Пелагея Ниловна образи ва мазкур асарнинг ғоясидан сўз очди. Сезган бўлсангиз, мазкур қаҳрамон «шўро адабиётининг асосчиси» Горькийнинг «Она» романида бор. Бизларни ўрта мактабда роса ўқитишган. Сездимки, раис ўрта мактабдан сўнг қўлига китоб ушламаган. Олий ўқув юртида ихтисосга оид турли қўлланмаларни эътиборга олмаганда...

Қўшкўпир туманилик раҳбар дўстимиз Эгамберди Ёвбосаров эса саводли йигит. Ҳали қирққа чиқмаса-да, узоқ йиллардан буён турли лавозимларда ишлаб келмоқда. Бир неча йил тумандаги энг йирик хўжаликни бошқарди. Тажрибали, мулоҳазали. Таниш-билиш раҳбарлар орасида уни кўпроқ ҳурмат қилишим боиси — у китоб ўқийдиган, маънавиятини бойитиш учун вақт топадиган одам. Бир гал учрашганда «Темурнома» асарини ўқигани ва ундаги қизиқ ривоятни ёқтириб қолганини айтса, яна бир гал «Шажараи турк»дан ибратли тарихий воқеани ёдга солади.

Нега кам китоб ўқийдиган бўлиб қолдик? Бу саволимга бир «билимдон» китоблар нархи баландлигини сабаб қилди.

«Балки тўғридир? Аммо, сиз ҳар ойда неча шиша ароқ харид қиласиз?» деб сўрасам, елка қисди ва: «Бунинг китобга нима алоқаси бор?» деди.

Бор-да. Ҳар ойда ўртача тўртбеш шиша ичимликка минг сўм сарфлайдиганлар қанча. Ақалли ана шу сарфнинг ярмини китобга ажратганда борми. Майли ўзи ўқимасин, фарзандларини ўйласин. Китоб бир дақиқада ичилиб, улоқтириб юбориладиган матоҳ эмас. Асрасанг — минг йил туради. Неча авлодларинг қўли тегади, билими ошади, тафаккури ўсади.

Хива шаҳар марказий кутубхонасида бўлиб ўтган китобхонлар конференциясида бир кекса зиёли сўзга чиқиб, шахсий кутубхонасида ўн мингга яқин китоби борлигини айтганда, ёнимда ўтирган киши менга шундай изоҳ бергани ёдимда: «Шунинг ўрнига бир машина олиб минса бўлмасмиди, умри пиёда ўтиб кетяпти...»

Мустақиллик ҳаётимизга қатор янгиликлар олиб кирди. Мулк эгаларига айланяпмиз. Мулк эса — бино, фабрика, қимматбаҳо буюм ёки машина дегани эмас. Китоб ҳам мулк. Айниқса, тақчил, ноёб асар бўлса. Аммо...

... Неча-неча «кимошди» савдолари ўтказиляпти-ю, ҳар ойда қўлидан юз минглаб пул ўтадиган тижоратчи танишим ҳам бу фикримни қўлламади. Яъни, мен айтган баҳодан чўчиб кетди...

Аслида китобни сотиш эмас, олувчилар қанча эканини билмоқчи эдим, холос. Китоб «кимошди» талашида қолар деган ўйим ўзини оқламади. Чунки, одатда «кимошди» харидорлар сони икки нафардан кўп бўлса амалга ошади. Менинг омадсиз савдомда эса битта ҳам харидор йўқ эди...

«Одамлар кам ўқийдиган бўлиб қолишди, — деб чиққан машинаси бор. Аммо, ҳар қандай русумдаги, қимматбаҳо машинадан кўра мана шу «терига ёзилган асар» унинг учун қадрли, азиз.

Икки йил муқаддам шахсий кутубхонамдаги бир тарихий, ноёб китобга «харидор» излаб кўрдим. Тахмин қилган баҳом от-туя эмасди.

Аммо, бирор киши олиш истагини билдирмади. Ҳатто, аслида китобни сотиш эмас, олувчилар қанча эканини билмоқчи эдим, холос. Китоб «кимошди» талашида қолар деган ўйим ўзини оқламади. Чунки, одатда «кимошди» харидорлар сони икки нафардан кўп бўлса амалга ошади. Менинг омадсиз савдомда эса битта ҳам харидор йўқ эди...

«Одамлар кам ўқийдиган бўлиб қолишди, — деб

Мулоҳаза

куюнади «Олтин мерос» халқаро жамғармаси Хоразм вилояти бўлими бошлиғи, ўлкашунос Комил Нуржон. — Хиванинг 2500 йиллик юбилейига атаб пойтахт нашриётида бир тарихий рисола чоп қилдиргандим: Уни сотишда ёрдам беришни сўраб киоскачиларга мурожаат қилдим. Беш босма табоқ ҳажмидаги китобга юз сўм баҳо белгиладик... Бир ойдан кейин хабар олсам, бир неча дона сотилган. Нархни бирданига икки ҳисса туширдим. Аҳвол ўша-ўша... Аслида гап китобнинг нархида эмас, китоб ўқувчиларнинг озлигида...»

Яна бир гап. Урганч шаҳридаги букинистик адабиётлар билан савдо қиладиган дўкондан она тилимизда босилган китобларни учратмайсиз. Асосан, рус тилидаги китоблар...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БИЗЛАР ҚАЕРДА ТУҒИЛГАНМИЗ?

- *Кўча тасодифларга тўла...*
- *Кирза кийган «боғбон».*
- *«Оғирқулоқ»лар, ҳушёр бўлинг!*
- *Савоб керак эмасми?*

Ғира-шира қоронғи тушган оқшом эди. Мен Тошкентнинг шундоқ биқинида жойлашган Ҳасанбой қишлоғидан бирон машина учраб қолар деган илинжда, катта айланма йўл томон кета бошладим.

Кўп юрмагандим, қишлоқ кўчаси бекатидаги енгил машина ва унинг юкхонаси ёнига тиклаб қўйилган бир нечта қоғоз қопга кўзим тушди. Улар тўла, бўгзи ҳафсала билан каноп ипда боғланган эди. Бу томон кишилари иссиқхонада маҳсулотлар етиштириш ҳадисини олишган, қоплардаги бодринг бўлса керак, деб ўйладим.

Шу пайт дарвозаси қия очиқ ҳовли тарафдан яна бир қоп кўтариб ўрта яшар, деҳқоннамо киши чиқиб келди. Менга кўзи тушгач, салом-аликдан сўнг:

— Илтимос, капот эшигини очиб юборинг, шундоқ тугмасини боссангиз, бўлгани! — деди.

Юкхонага бошқа қопларни ҳам жойлашда ёрдамлашиб юбордим. Санжоб қилиб нимадир тўлдирилган қоғоз қоплар кўринишига нисбатан енгилроқ эди.

— Йўлимиз бирга ўхшайди, шаҳарга бўлса, олиб кетақолай. Ўтиринг, — деди деҳқоннамо киши оёғидаги кирза этикларига ёпишиб қолган тупроқни ерга уриб-уриб қоқаркан.

—Бу қопдагилар, мабодо, ўғит эмасми? — деб сўрадим катта йўлдан шаҳар томон буриларканмиз.

— Ҳа, шундай. Товуқ билан қўй ғўнгининг чириндиси, озгинадан солиб қўйсангиз—ернинг жонини киритади. Бу йил баҳор яхши келди. Экин-тикин пайти.

Мен беихтиёр ҳамроҳимга:

— Нима, шаҳарда ҳам деҳқончилик қиласизми? — дея савол бердим.

— Кичик боғчамиз бор, буларни— у орқа томонга имлаб қўйди, — ўша ерга олиб кетяпман. Кундузи ишдан қўл тегмайди, денг...

Оббо, азамат-эй, бу ҳайдовчи ҳам, ғирт каминанинг ўзи эканку! Ўхшатмаса-учратмас, деганлари шу бўлса керак.

Бир пайтлар мен ҳам машина юкхонаси бўш кетмасин деб, шаҳарнинг қоқ маркази — Дархондаги кичкина боғчамизда ўсаётган анжир, ўриклар учун Фарғонадан қоғоз қопда чириган ўғит келтирардим. Ҳозир ўша дарахтлар меваси бутун маҳаллага етиб ортаяпти.

Ҳамроҳгина эмас, «ҳамкасб» чиқиб қолган бу одам билан тезгина тил топишиб олдик. Озгина гурунгдан сўнг «ҳамдард»лиги ҳам маълум бўлиб қолди:

— Манави кўчанинг икки қиғоғига қаторасига экиб ташланган манзарали дарахтлар-ку, майли, чанг-тўзон, зарарли ис-газларни «ютиш»да фойдаси тегар! Ҳов, ичкаридаги майдонларни қоплаб ётган қарағай, акацияларга нима дейсиз? Анави, бақатеракларни қаердан топиб келиб экишган, нима мақсадда, билиш қийин. Улар гуллаганда, пипилдириғи ҳаммани безор қилади. Бу ерлар аввалари сархил ҳосилли мевазор бўлган, билсангиз керак! Ҳисоблаб чиқдим: мана шу узунасига бир неча чақиримга чўзилиб кетган «ёввойи ўрмон»нинг борингчи, ҳеч бўлмаса, ярми ёнғоқ ёки бошқа мевали дарахтлар бўлганда борми, Юнусободда мевалар тенг ярмига арзонлашган бўларди...

Ҳозир Тошкентдай шаҳри азимдаги деярли барча ташкилот ва идоралар қошида боғбон («садовник») штати бор. Бу ҳамроҳим шулардан бирида ишласа керак, касби, шубҳасиз, агроном — боғбон, ерга меҳр қўйган, куюнчак одам экан, деб ўйладим ва унга:

— Қарши бўлмасангиз, боғингизгача бирга бориб, юкларни туширишсам. Бизнинг ҳам Дархонда кичик анжирзор, ўрикзоримиз бор, — дедим.

— Бизники кўпроқ хурмо. Олди бултур ҳосилга кирди!

— Ана, кўрдингизми, субтропик мева етиштириш бўйича мусобақалашар эканмиз-да, энди.

Салкам бир соатча йўл юриб янги танишим боғбонлик қиладиган шаҳарнинг энг гавжум минтақаларидан бирига жойлашган идора олдига етиб келдик. Кенг йўлнинг кунчиқар томони узунасига кетган «боғча» бўлиб, бир текисда экилган хурмо

1

ниҳоллари кўзга ташланди. Бўлиқ новдалар ҳали куртакчаларнинг ям-яшил либосига бурканиб улгурмаган, бодроқ-бодроқ нафис гуллар билан безанмаган бўлса-да, бу манзара шу туришидаёқ атрофга ажиб бир тароват бахш этарди.

Дарвоқе, мен аввалари шу идорага бир неча бор келган, ўшанда манави навниҳол хурмолар ўрнини эгаллаб ётадиган, пала-партиш экиб ташланган «манзарали» дарахтларга кўзим тушганди. Улар йил — ўн икки ой баргини тўкавериб ҳамма ёқни ивирситар, айниқса «гуллаган» пайти шохларидан «ёғиладиган» сарғиш «кукун» дастидан қочиб, кўчанинг нариги томонидан ўтиларди.

Энди эса манзара бутунлай ўзгарибди. Бу ўзгариш янги танишимнинг саъй-ҳаракати билан қилинганлиги шундоқ билиниб турарди.

— Қойил, ҳақиқий боғбон экансиз! Ҳар ким шунча жойдан келиб ишлаб-кетишга вақт топавермайди.

— Ўзи доим иш топиб юраман, — сўнг суҳбатдошим кулиб, қўшиб қўяди, — уйдагиларни ҳам безор қилиб юбораман...

— Қани энди сизга ўхшаганлар кўпроқ бўлса! — дейман қопларни туширишга ёрдамлашиб.

2

У куртаклари бўртиб қолган хурмо навдаларини электр ёруғига солиб кўрсатади:

— Қаранг, ҳам гўзаллик, ҳам тўкин-сочинлик рамзи бўлган шу ниҳолларни ўтқазиб олгунимизча «манзарачи»лардан кўп таъналар эшитдик. Бу, замин саховатини кўра-била туриб тан олмаслик уларнинг қон-қонига сингиб кетганми, деб ўйлаб қоламан. Ҳозир қаёққа қараманг, йўғонлиги билакдай, бўйи уч-тўрт қулоч келадиган қора қарағай экишни шундай авж олдириб юборишдики, қани энди «манзарачи»лар шундай дуркун кўчатлар етиштириш маҳоратини, озгина бўлса-да, ўзимизнинг мевали дарахтларга қўллашса!

Суҳбатдошим узунасига қурилган уч қаватли ғиштин иморат ёнбошидаги панжарали дарвозадан ичкарига бошлади. Катта саҳнли ҳовлининг бир томонини баланд ишком эгаллаган бўлиб, унга қизларнинг сочидай қилиб, бир тартибда ток сурхлари тараб қўйилибди. Улардаги бўртиб қолган куртакларда ҳосил нишоналари кўзга ташланади... Орқароқдаги майдонда эса, анча улғайиб қолган хурмо дарахтлари саф тортиб турибди. Боғча адоғини қийғос гулга кирган ўриклар қоплаган, уларнинг навдалари деразалар атрофини ўраб, борлиққа баҳорий кайфият улашаётгандай.

Шубҳасиз, бирон юмуш билан бу даргоҳга қадам ранжида қилган кишининг кўнгли кўтарилади, бундай нурафшон табиатли маҳкама ходимлари ҳузуридан кўнгли ўксимай, чиқиб кетишига ишонч ҳосил қилади.

— Ўтган йили бу экилган ниҳолларнинг илк мевасидан тотиб кўргандик. Худо хоҳласа, бу йил «ҳосил байрами»га келаверасиз, — дейди боғбон ғурур билан ва овозини пастлатиброқ қўшиб қўяди, — илгарилари Тошкентнинг ҳар бир даҳасида эрта баҳорнинг илк неъмати-ширинлиги тилни ёрадиган «Балх», «Марварид» навли азим тут дарахтлари бўларди. Уларнинг пишиқчилик пайти — болалару турли-туман қушчаларнинг байрами эди. Биз катталар ҳам ҳовлисида тути бор дўстларимизникиґа тут сайли қилиб борардик. Кейинги пайтларга келиб, Ибн Синодай буюк аллома «Минг дардга шифо» деб таъриф берган хўраки тутлар шаҳарда умуман қолмади, ҳисоб. Бу ҳақда газеталарда қайта-қайта ёзилди. Бироқ, мутасаддилар қулоқ солишмади. У ёғини сўрасангиз, ҳозир ўша эслатиб ўтганим—тут навларидан бир нечта юз тупини парваришламоқдамиз. Бўй чўзиб, илдизлари кучга тў-

либ, роса «боқиб, семиртирилган» қора қарағайлар билан беллашадиган бўлганида, зўр йигитларим бор, улар билан шаҳарнинг ҳар жой-ҳар жойига экиб чиқмоқчимиз!

— Бу иш ҳам, — дейман-да, суҳбатдошимнинг сўзини бўламан, — бугунги «операция»дай, қоронғи тушганда амалга оширилса керак!

У индамайди. Жилмайиб менга қараб қўяди, холос.

— Отимми... Маҳмуд, — деди у.

— Маҳмуджон, боғингизнинг бир камчилиги бор экан —эртага тўрт туп анжир кўчати келтириб бераман.

— Анжирнинг ҳар хил навидан ўзимда бор. Экмоқчи бўлиб юргандик.

— Бизники бошқачароқ-да. Қора анжир! Меваси нақ носковоқдай катта бўлади. Ширинлигини айтмайсизми? Май ойининг охирларидан бошлаб, то кеч кузги қиров тушгунича шира боғлаб пишаверади, олти ой давомида асал ейсиз...

Эртасига ваъда устидан чиқиб, анжир кўчатларини кўтариб, олди хурмозор маҳкамага бордим. Боғбон Маҳмуджонни сўрадим. Аввал ҳайрон бўлишди. Атрофдаги мевали дарахтларни эккан,

3

уйидан ўғит ташиб юрадиган киши, дедим.

Шундан кейин ходимлар мени иккинчи қаватга — Маҳмуджон Юсупов қабулхонасига йўллашди... У ерда кеча тасодифан танишиб қолган кишим — шу катта идоранинг раҳбари ўтирарди...

Куни кеча бўлиб ўтган бу воқеани мен кўпни кўрган, обрў эътиборли олим, ижодкор устозимизга сўзлаб бердим.

— Ҳозирги замоннинг қаҳрамонлари мана шулар бўлади. Тафти босилмасдан ёзинг! — деди у киши ва ўксик оҳангда қўшиб қўйди, — Қани энди шундай фидойи, вақти келса кирза этик кийишдан тортинмайдиган кишилар кўпроқ бўлса! Афсус, фақат ўзини ўйлайдиган, ўзидан кейингиларга бирон ибратли из қолдиришни хаёлига ҳам келтиришни ўйламайдиганлар бор ҳали, орамизда. Бу—оёғи остидан нарини кўрабилмаслик, қолаверса, имон сустлигининг оқибати.

Ҳа, Пайғамбаримиз қиёмат қойим куни ҳам иложини қилсангиз, одамларга нафи тегадиган бир туп ниҳол экинг, деб насиҳат қилган эканлар ўз умматларига.

Агар шаҳардаги мавжуд идора, корхона ва маҳкамалар бошлиқлари мана шу оддий ҳақиқатни — савобли иш нималигини тушуниб етганларида, ҳозир кундан-кун чиройи очилиб бораётган пойтахтимиз янада гўзаллашиб, ҳақиқий боғ шаҳар қиёфасини олган, шубҳасиз, бу ҳам маънавий, ҳам анъанавий-миллий, ҳам иқтисодий самарасини намоён этган бўларди.

Ёмон дард каби ёмон иллат, айниқса, узоқ йиллар давомида қонга сингдирилган бўлса, кетиши қийин экан!

Юқорида мен тасодиф орқали танишиб қолган «боғбон» Маҳмуджон (Юсупов) қуйиниб айтган, шаҳарнинг ободонлаштириш бошқармасидаги «аканг қарағай»лар ўзлари учун ажратилган харажатларнинг бир қисмини:

заминимизнинг асл кўрки — мевали дарахт ниҳоллари етиштириш, **(улар бир пайтлар шу хайрли ишни бошладик, дея матбуотнинг қатор танқидий чиқишларига расмий жавоб берганлар. Д.Н)** аввал экилганларини парваришлашга;

болаларимиз руҳиятида она Ер саховатидан ҳайратланиб, улар қалбида меҳр уйғотадиган ишларга;

ҳозирги вақтинчалик иқтисодий бўҳронлар пайтида маълум

4

Табиат — инсоният бешиги

даражада эл дастурхонига файз киритиш йўлига сарфлашса, имонларига ўт тушармиди!

Ахир, қачонгача биз «улуғ оға»лар ўз табиати, ўз «заковати» қўйинг-чи, шимолий иқлим турмуш андозаси асосида чизиб берган чизиқдан чиқолмай юраверамиз. Уларнинг «табиатдан инъом кутиб ўтирмай..» уни пайҳон қилишга қаратилган мутаассибона «сиёсати» аллақачон кунпаякун бўлган-ку, ахир!

Маълумки, бир пайтлар номи ўрикзор бўлган Тошкентни қонга белаган босқинчи рус генералларидан бири тумшуғим олдида Русия нафаси уфуриб турсин, деб туғилиб ўсган юртининг жамийки «манзарали дарахт»ларидан келтиртириб, шаҳар марказида улкан хиёбон барпо этган. Мана шу хиёбон «ерли» халқнигина эмас, уларни ўраб турган атроф-муҳитини ҳам маҳв этилганининг тимсоли бўлсин, деб йўлаган чоғи, босқинчи жаноб.

Афтидан, аллақачон «арши-аъло»га рихлат қилган ўша генералнинг издошлари ҳали ҳам бор, шекилли...(Қаттиқроқ «гапирганимиз» учун узр!)

«Ғазал мулкининг султони» буюк Алишер Навоийни эзъозлаб, ул зотнинг номига барпо этилган улкан хиёбон — «Боғи эрам»ни айланиб, таажжубланасан, беихтиёр, бобомиз қарағайзорда таваллуд топганмилар, деб юборгинг келади...

Саксонинчи йилларда республикамизга тажриба алмашиш учун келган ҳинд олими матбуотда ёзган экан: бир пайтлар Бобурийлар шаҳар боғдорчилиги русумини бизда жорий этиб, намуна кўрсатгандилар. Ҳозир эса, чўп ерга тушиб қолса кўкарадиган, бир йил ўтиб, ҳосил берадиган шундай саховатли заминни нима сабабдан ҳеч қандай егулик бермайдиган дарахтларга тўлдириб юборилаётганини тушунолмадим.

Йирик шаҳарлар кўча бўйларидаги бир қарич ерга ҳам мевали дарахт экиб, ҳатто тувакларда ўстириб (бу бор гап!) ҳосил йиғиб оладиган жанубий қурияликлар биздаги хўжасизликдан ҳамон таажжубдалар! Улардан бири «ҳар киши ўзи учун биттадан мевали дарахт экиб ўстирса, шунинг ўзи одамларингизни иқтисодий жиҳатдан бир неча поғона юқорига кўтариб юборади», деб таъкидлагани ҳали эсимда!

Шу ерда яна бир бор қайтариб айтамиз: биз шаҳарнинг ўнг келган ерига пала-партиш қилиб, номига «мевали» бўлган дарахтларни экиб ташлаш керак, деган даъводан йироқмиз. Аввало, боғ учун ер танлаш керак. Бундай жойлар, хиёбонлар шаҳарда тўлиб ётибди. Биргина анҳор ва каналлар бўйларида юз гектарлаб ёнғоқзор, бодомзор, нокзорлар барпо этса бўлади. Қолаверса, машҳур соҳибкоримиз Маҳмуд ака Мирзаев қайта-қайта таъкидлаганларидек, «Энг аввало мевали дарахтларнинг шаҳарбоп навини экиш керак. Уларга доим қараб турадиган масъул боғбони ҳам бўлсин! Агар шундай қилинмаса, бу соҳанинг самарасизлиги ҳақида важ-карсон кўрсатувчилар кўпаяверади».

Дарҳақиқат, бу борада «важ-карсон»чилар қўли ҳамон баланд келиб турибди. Шундай бўлмаганда биз юқоридаги қатор мисолларни санаб ўтмаган бўлардик.

Республика боғбонларининг пири, деб тан олинган Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг «Оналаримиз беланчагимизни ҳосилга бурканиб ётган мевали дарахт шохларига илиб аллалаганлар. Кўзимизни очиб кўрганларимиз — ишкомлардаги сархил узумлару саховатли боғларимизнинг ширин-шакар мевалари бўлган», деган машҳур гаплари бор.

Ҳар қалай, бизнинг беланчагимиз бегона дарахт шохларига илиб тебратилмаган, қарағайзорда ҳам туғилмаганмиз. Шуни унутмаслик керак!

Дадахон НУРИЙ



TÜRKİYE CUMHURİYETİ

BAŞBAKANI Sn. Mesut YILMAZ

ÖZBEKİSTAN`A HOŞGELDİNİZ:

ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИ БОШ ВАЗИРИ ҲУРМАТЛИ МЕСУТ ЙИЛМАЗ, ЎЗБЕКИСТОНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

T.C. BAŞBAKANI Sn. Mesut YILMAZ ve beraberindeki heyetin Özbekistan`ı resmi ziyaretlerinin iki kardeş ülke arasındaki işbirliği ve münasebetlerin daha da gelişmesini sağlayacağına inancımız tamdır.

Туркия Жумҳурияти Бош вазири ҳурматли Месут Йилмаз бошчилигидаги ҳайъатнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки қардош мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришига ишончимиз комил.

ÖZBEKİSTAN VE TÜRKİYE İŞADAMLARI DERNEĞİ — "UTİD"
ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЮШМАСИ — "УТИД"



ЎЗБЕК ВА ТЎРК ХАЛҚЛАРИ ҚАРДОШЛИГИ АБАДИЙ



Туркия Жумҳурияти Бош вазири МЕСУТ ЙИЛМАЗнинг

Ўзбекистон диёрига расмий ташрифини чин қалбдан муборакбод этамиз.

Мустақил Ўзбекистон келажаги порлоқ мамлакат.
Унинг буюк давлат бўлишига шубҳа йўқ.

Бу юрт тинч ва осойишта, иқтисоди барқ уриб ривожланмоқда .

«АКАТЕКС» фирмаси Туркиянинг бошқа қўшма корхоналари билан бир сафда самарали фаолият олиб бормоқда. Биз тадбиркорлар икки халқ қардошлигини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшаётганимиз билан фахрланамиз.

"АКАТЕКС" ФИРМАСИ

Коинот забткорлари

ЮЛДУЗЛАР ЯҚИНДИР БУНДА

Коинотга илк бор қўл чўзилган кун — кашшоф космонавт Юрий Гагариннинг парвози эсланадиган сана ҳамиша халқаро миқёсда байрамона нишонланади. Анъанага мувофиқ Россия космонавтлари — полковник Анатолий Соловьев билан Владимир Титов, подполковник Солижон Шарипов, бортинженер Павел Виноградов, Америка астронавти Девид Вулф ва франциялик коинот забткорларидан Леопольд Эйартцлар Гагарин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, коинотнинг биринчи «фуқароси» хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Гурунгни авиация генерал-полковниги Петр Климук бошқарди. Эътиборлиси шундаки, ҳайъат столида ўтирганлар орасида ўзбек космонавти Солижон Шарипов ҳам бор эди. Россия, АҚШ ва Франция мамлакатларининг коинот ишлари бўйича раҳбарлари бирма-бир минбарга кўтарилиб, «Мир — Шаттл» ва «Пегас» дастури бўйича курраи замин орбитасига парвознинг мураккаблиги ҳақида мулоҳазалар билдириб, бу қаҳрамонона меҳнатнинг самараси эканини таъкидлашди.

Албатта, ҳозир коинотга парвоз қилиш бўйича бой тажриба тўпланган. Космонавтлар космик станциялардан ташқарида ҳам турли тажриба ҳамда созлаш ва тиклаш ишларини амалга оширадиган бўлиб қолишган. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар таваккалчилик билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам эндиликда космонавтликни ўзларига касб, деб билган ўғлонлар (улар ҳозир ер юзида 300 дан ортиқ ҳисобланади) хавфли ва мардона хизматлари билан фахрланадилар.

Шу куни 24-сафар иштирокчиларининг аксариятига турли совға-саломлар инъом этилди. Хусусан, Солижон Шариповга НАСАнинг бронза медали ҳамда халқаро ва Россия жамоат ташкилотларининг эсдалик совғалари берилди. Бир қарашда кулгили туюлса-да, шу куни забткорлар шаҳарчасига ўнлаб йўл ҳаракати белгилари тақдим этилди. Гап шундаки, кейинги пайтларда коинот забткорлари истиқомат қилаётган масканда турли транспорт воситалари кўпайиб, ҳаракатларни тартибга солиш тақозо этилаётган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ерда Солижон Шарипов ҳам ўзининг джип «Форд» машинасини ғизиллатиб юради.

Байрамона кайфиятдаги Солижон Шарипов шаънига дўстлари томонидан айтилган илиқ гаплар эътиборга лойиқдир. Хусусан, унинг мақсадга интилувчанлиги, бир сўзлилиги, талабчанлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, қисқа вақт ичида, тўғрироғи, Канавералдан парвоз қилгунга қадар инглиз тилини ўрганиб, учувчи ва астронавт - тадқиқотчига хос техник сўзларни ҳам ўзлаштиришга улгурди. Авиация генерал-полковниги Петр Климукнинг сўзига қараганда, Солижон бундан буён Россиянинг «Союз-ТМ» ҳаво кемасини бошқариш бўйича ўринбосар, яъни «Мир» ва «Альфа» станцияларида узоқ муддатли парвозга лойиқ деб топилган. Ўзбек ўғлонига парвозларинг хайрли бўлсин, дегимиз келади.

Шаҳобиддин ЗАЙНУТДИНОВ

«ҚУВОНЧУ БАЙРАМЛАРИМИЗ БИР»

Туркия жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин Туркия Бош вазири Месут Йилмазнинг Ўзбекистонга қилажак расмий ташрифи муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида қуйидагиларни айтди:

- *Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Туркия бошқа ҳеч бир икки мамлакатда бўлмаган алоқалар билан боғланган. Бу нафақат халқаро дипломатик, балки тарихий, маданий, ҳатто инсоний муносабатларда ҳам ифодаланади...*
- *Дунёда ҳамма давлатлар ҳам бир-бири билан абадий дўстлик ҳақида битим имзолайвермайди...*
- *Ўзбекистонни минтақадаги барқарорлик ва тинчлик кафолати сифатида кўрамиз...*
- *Асосий мақсадимиз — Ўзбекистон билан йўлга қўйилган узоқ муддатли алоқаларни мустаҳкамлашдир...*
- *Ўзбекларнинг қувончи туркларнинг ҳам қувончи, ўзбекларнинг байрами туркларнинг ҳам байрамидир...*

Туркия Жумҳуриятининг элчихонаси 1992 йил апрелда Тошкентда, 1993 йил январдан эса, Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси Анқарада фаолият бошлади.

1997 йилнинг февраль ойида Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовга ишонч ёрлиғини топширди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1991 йил декабрь ва 1994 йил июнда Туркияга, Туркия Бош вазири С. Демирэл 1992 йил апрелда, Туркия Президенти Т. Озал 1993 йил апрелда, Туркия Бош вазири Т. Чиллер 1995 йил ёзда, Туркия Жумҳуриятининг Президенти С. Демирэл 1996 йил майда Ўзбекистонга ташриф буюрган.

1996 йил октябрда С. Демирэл туркий давлатлар раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги IV учрашувида иштирок этиш учун Ўзбекистонга келди ҳамда буюк Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган байрам тантаналарида қатнашди.

1997 йил мартида Туркия буюк миллат мажлиси (парламент) раиси Мустафо Калемли расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди ва уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

Салим АШУРОВ тайёрлади.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

АҚШ расмий доираларининг баёнотига кўра, Клинтон маъмурияти Пол Потни ҳибсга олиш ва жазога тортиш учун барча чораларни кўришга тайёр.

***

Францияда бошқа мамлакатлар фуқароларининг мамлакатга кўчиб келишини тартибга солиш ҳақида янги қонун қабул қилинди. Унга кўра, бундан буён хорижликларнинг мамлакатга келиши мураккаблашади.

***

Покистонда «Гхори» каллакли ракетасининг синовдан ўтказилиши Ҳиндистон хавфсизлигига зарар етказгани йўқ, деб баёнот берди ушбу мамлакат Бош вазири Важкан.

***

Европада янги сайланган Арманистон Президенти Роберт Кочарянниг қасамёд қилиш маросими бўлди.

Теннис

СЕУЛДАГИ ҒАЛАБА

DAVIS CUP by NEC

Куни кеча Кореяда теннисчиларимиз катта ғалабага эришдилар. «Дэвис кубоги» учун Тошкентда Хитой теннисчилари билан ўтказилган ўйинда ғалабага эришилганлиги Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳига кирувчи жамоалар ўртасида мавқени мустаҳкамлашга имкон берганди.

Ташланган қуръага кўра, Вадим Куценко мезбонларнинг етакчи теннисчиларидан Ёнг-Ил Юн билан курашди. Биринчи учрашувда вакилимиз 4:6 ҳисобида ютқазди. Ҳайтовур кейин ўзини ўнглаб, кетма-кет 6:4, 6:4, 6:2 ҳисобида устун келди. Осиёда машҳурлардан саналган вакилимиз Олег Огородовнинг майдонга тушиши эса кўпчиликни ранжитди. Чунки у Хёнг-Тэк Лига 5:7, 2:6, 4:6 ҳисобида ютқазиб қўйган эди. Жуфтлик баҳслари ҳам қизиқарли бўлди. Теннисчиларимиздан Дмитрий Томашевич билан Олег Огородов Донг-Хёнг билан Ким Лини 6:2, 4:6, 6:3, 7:3(2) ҳисобида доғда қолдириб, жамоамизни умумий ҳисобда олдинга олиб чиқишди. Огородов билан Ёнг-Ил Юн ўртасида икки соатдан кўпроқ давом этган баҳсни шаррос ёмғир туфайли тўхтатиб қўйишга тўғри келди. Бу учрашувда Олегнинг қўли баланд келди. У 6:4, 4:7, 6:4, 7:5 ҳисобида зафар қучди. Шундай қилиб, умумий ҳисоб 3:1 бўлиб, теннисчиларимиз муваффақият қозондилар. Бу зафар вакилларимизга «Дэвис кубоги» учун курашаётган 24 даъвогар сафидан жой олишга имкон берди. Теннисчиларимизнинг сентябрь ойида жаҳоннинг кучли ўйинчилари билан бақамти келишларига шароит яратиш учун беш йил курашишга тўғри келди. Булар ҳаммаси теннисниг юртимизда севимли спорт турларидан бўлиб бораётганидан далолатдир.

Мирзо АНВАР

ФИРЪАВН РУҲИ

Қоҳира яқинида пирамидалар комплекси жойлашганини кўп бор эшитганмиз. Поёнсиз саҳрода қад кўтарган Хеонс, Хедорен, Микерин эҳромлари Миср пойтахти узра қаддини ҳамон тик тутиб турган тарихий мўъжизавий иншоотлардир.

Механик куч кўп талаб этган ибтидоий даврда меъморчиликнинг тенгсиз намунасини яратиш қай тарзда олиб борилгани инсониятга ҳамон сир бўлиб қолмоқда.

Биргина Хеонс эҳроми ўлчамлари унинг нақадар маҳобатли эканига далолатдир. Эҳромнинг бўйи қад ростлаганда дастлаб 146,6 метр бўлган. Ҳозир уч метр пасайган. Асоси 230 метр квадрат, оғиш бурчаги эса 31 градус 50 минутдир.

Эрамиздан аввалги 2690 йилда бунёд этилган мазкур иншоотга 2 миллион 500 минг тош плиталар ишлатилган. Ҳар бир қурилиш «ғишти» 2,5 тонна оғирликда бўлган.

Турфа олам, турфа одам

ИШЧАН АЁЛЛАР ТУРМУШ ТАРЗИ...

Ирландиядаги ишбилармон аёллар қизиқишини тадқиқ этганлар ғалати манзарага дуч келдилар. Уларга БМВ автомобили, симсиз телефон ва мушук афзал эмиш...

Хўш, оила масаласичи? Бу уларнинг назарида турган-битган тўсиқ экан. «Эр ўрнига мушук тузук-да... Ахир, у овунчоқ ҳайвон, хонада беозор юради, ликопчадаги таомга ҳам тўяди, уст-бошини ювишга ҳам ҳожат қолмайди». Бу жавоб кимга ҳазил кимга чин...

Насиба ОЧИЛОВА тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жиззах вилоят бўлими

банк мижозлари бўлган қуйидаги корхона ва ташкилотларни

ТЎЛОВГА ЛАЁҚАТСИЗ

деб эълон қилади:

1. «Жиззахсувқурилиш» трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма колоннаси
2. «Жиззахсувқурилиш» трестига қарашли «Мелиоратор» давлат кичик корхонаси
3. Жиззах вилояти матлубот кооперациясига қарашли Ғаллаорол туманидаги ҳиссадорлик агрофирмаси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Жиззах бўлими

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Хафтанома».
*
8.30 «Наврўз тароналари»
9.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сополда акс этган дунё».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 «Ажойиб ҳаёлпараст». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 Спорт. Спорт. Спорт.
12.55 «Болалар нашрлари — мехмонимиз»
13.15—14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Хоразм» (Урганч) — «Навбаҳор» (Наманган).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Сиртқи телевизион олимпиада.
18.30 «Олам ва одам».
18.50 «Юрак, сенсан менинг розим...» Р. Одамбоева.
19.10 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дивр». Тележурнал.
22.05 Дилрабо тароналар.
22.25 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида)
18.15 «Ерилтош». «Мультгуплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Тарозу».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Туркия).
22.05 «ТВ-2» — шу ҳафтада.
22.25 «Бешинчи ўлчов».
22.45 «Даракчи» (рус тилида)
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.30 «Тошкент — янги шаҳар». Манзарали фильм.
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевиденеси.
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Катта талант». Бадиий фильм(Олмония).
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05, 22.20 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон» «Дидар».
20.55 «Мусиқий танаффус».
21.00 «Умр баҳори».
21.15 «Табиат шифохонаси».
21.25 «Намастэ».
21.45 «Ҳаёт карвони».
22.05 «Бож хирож».
22.25 «Ғўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.45 «Спорт-тайм».
23.15 — 23.25 Хайрли тун!

СЕШАНБА, 14

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ватан, мадҳингни куйлайман!». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Оила».
9.40 «Темурнома» Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Собиту сайёрада». Адабий кўрсатув.
10.25 Инглиз тили.
10.50 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
11.15 Алифбо сабоқлари.
11.45 «Рақс оламида».
12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Тимсоҳ ва шер исканжасида». Мультфильм.
12.35— 14.00 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Мультфильм. «Бир том остида».
18.25 Сиртқи телевизион олимпиада.
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
1955 «Дунё адабиёти».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Бевосита мулоқот.
21.35 Олтин мерос. «Бархаёт наволар». Ҳ. Охунова.
22.15 «Ўзбекистон фуқароси.
22.35 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мультгуплам.
18.35 «Евровй қайвонот олами».
19.10 Шарқ эстрадаси.
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Онагинам».
21.10 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 2- серия.
22.00 Кундалик.
22.10 Спорт қитъаси.
22.40 «Даракчи».
21.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. Майкл Дудикофф «Йўқотишга буйруқ берилсин» фильмида.
00.30 — 00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.30
*
20.30 «Тошкент — янги шаҳар». Манзарали фильм.
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевиденеси.
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Бриджет Бардо «Никоҳ кечаси» фильмида (Франция).
24.00 «Хотирамиздаги шаршара». Телефильм.
00.10 — 00.30 «Ахборот (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 Телефакт.
19.30 «Елқин».
19.50 «Мусиқий дақиқалар».
19.55, 22.30 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 Очиқ дарс.
21.05 Мусиқий дақиқалар.
21.10 «Долзарб репортаж».
21.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.
21.50 «Уйингоҳ».
22.10 Хит-коллекция.
22.35 «Кувноқ кино».
23.55 — 00.05 Хайрли тун!

ЧОРШАНБА,15

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Лирик концерт.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
9.15 «Бокира туйғулар».
9.40 «Темурнома» Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Мусиқий саёҳат».
10.25 Болалар учун. «Мактублар — кабутарлар».
10.50 «XIII Осиё ўйинлари олдидан».
11.10 «Шарқ табобати»
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 «Жараён».
12.30 «Алдар Кўса ва бой». Мультфильм.
12.40 — 14.00 В. Шекспир. «Қирол Лир» А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли, 2-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бешбармоқ». Тележурнал
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Балоғат бекати».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури— амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қушиқ изидан...»
21.55 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув. 1-қисм.
22.10 «Ўхшаш чеҳралар».
22.50 «Тафаккур ва тақдир».
23.10 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Битик».
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эрталари».
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Нафис мажнислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кулгига нима етсин».
21.15 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
22.05 «Хонадон».
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 «Буюк изкуварлар. Каломбо». Телесериал.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Долзарб репортаж». Телекўрсатув.
*
Россия давлат телевиденеси.
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Бронкс — Апачилар макони». Бадиий фильм. Бош ролда — Пол Ньюмен.
23.30 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05, 22.05 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.30 Оҳанглар оғушида.
20.45 Ҳуқуқ ва бурч.
21.10 «Азизим».
21.35 «Дурдаршан».
22.10 Кинематограф. «Мисс фариштa».
23.35 — 23.45 Хайрли тун!

ПАЙШАНБА, 16

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Дутор ва танбур тароналари.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўргутлик кулол».
9.20 «Бола дунёни тебратар».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 «Болалар хотира китоби» Ҳ. Имонбердиев.
10.50 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.10 «Миллий эстрада — давр талаби».
11.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.05 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
12.20 «Камолот».
12.35 Кундузги сеанс. «Сиздан у гина, биздан бу гина». Бадиий фильм.
14.10 —14.30 «Донишнома».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кел, дўстлашайлик». Мультфильм.
18.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.35 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 Ёш хонандалар концерти.
22.00 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув. 2-қисм.
22.15 «Бозор ракобати — сифат кафолати».
22.35 «Уйғоқ қуллар». Кинокўрсатув.
23.00 Аруз гулшани.
«Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:
23.10 «Абадият қушиғи».
23.30 «Нотаниш дил суҳбати».
23.45 «Ибтидо иноятн».
00.05 «Ахборот».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»
18.15 «Аралаш -қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесерил.
18.50 Дилнавоз садолар.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
22.10 «Одамлар орасида».
22.35 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Оилавий экран. «Мен бир қизни учратдим». Кинокомедия.
00.25—00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.20 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.25 — 20.45
*
20.45 «Семург — бахт қуши». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеси.
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 Ҳинд фильми ишқибозларига: «Парама». 1-серия.
22.40 — 23.00 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 «Ҳамшаҳарлар».
19.25 «7 дан 70 гача».
19.50 Мусиқий дақиқалар.
19.55, 22.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 Минг бир маслаҳат.
21.50 «02» тўлқинида.
22.05 Каталог.
22.15 «Мода ҳақида».
22.35 Мусиқий Олимп.
23.00 «Киносалон».
00.20 — 00.30 Хайрли тун!

ЖУМА, 17

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади».
9.40 «Темурнома» Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
10.30 Немис тили.
11.00 «Деҳқон баҳори».
11.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.05 «Олов дамини даф этиб».
12.20 «Меҳр макони».
12.35 Кундузги сеанс. «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Олтин хотира». Адабий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Бир жуфт қўшиқ».
18.35 «Ёшлик» студияси. «Ўзлигингни излайман». Телебеллашув.
19.00 «Хайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таянч нуқтаси».
20.10 Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув. 3-қисм.
22.30 «Саҳна ҳаётн».
23.00 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» маърифий-дам олиш дастури:
23.25 «Азиз сиймолар».
23.45 Бадиий фильм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.40 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кўнгил тароналари».
20.10 «Дубляж».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хуш келибсиз».
21.20 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Бокс. Бокс. Бокс.
22.50 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.10 — 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.10 Киноафиша.
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевиденеси.
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Парама». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40—23.00 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Ўй остонадан бошланади».
20.25 «Наволарда аён этсам».
20.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Кинематограф. «Машина ойнасидаги шайтонвачча».
23.05 Араб эстрадаси.
23.35 — 23.45 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 18

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон баҳори».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.50 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.10 «Мулоҳаза, муносабат, мунозара».
10.30 «Орзулар қанотида».
10.50 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
11.30 «Зиёрат».
11.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
12.10 «Ёзувчи ва замон».
12.30 «Кичкинтой» устохонаси.
12.50 Кундузги сеанс «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
14.05 — 14.35 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.
* * *
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Мультолам».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.25 «Ҳамма куриши шарт... эмас».
22.30 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
23.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури:
23.25 «Соғинч». Киноконцерт.
23.45 «Шароитни ўзгартирувчи». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
01.15 — 01.20 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 Ҳ. Султонов. «Чангак». Видеофильм.
10.15 «Хуш келибсиз».
10.35 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.25 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.45 Бокс. Бокс. Бокс.
12.05 Болалар экрани. Уолт Дисней мультфильмлари.
13.25 «Сир».
13.45 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
14.30 Кўрсатувлар дастури.
14.35 «Ерилтош». Мультгуплам.
14.45 Дубляж.
15.00 «Очун».
15.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.10 «Спорт қитъаси».
16.40 «Мутойиба».
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.45 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «У ким? Бу нима?».
18.25 «Спорт қитъаси».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Таянч».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Бизнес-академия.
20.10 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Ханда дўкони».
22.40 «Даракчи».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. «Кугемуша» (Япония).
00.40 Эстрада концерти.
01.00 — 01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевиденеси
16.20 — 23.55
*
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Ғўзаллик яратувчилар». Телефильм.
IV
10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Шанба эртаги».
11.35 — 12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
(«Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
***
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.35 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ягона осмон остида».
21.00 «Бу ажиб дунё».
21.15 Хит-коллекция.
21.40 Киносалон.
23.20 Спорт-марказ.
24.00 — 00.10 Хайрли тун!

ЯКШАНБА, 19

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бизга мактуб йўллабсиз».
11.20 «Фан уфқлари».
11.40 «Ўзбекистон бастакорлари». Н. Норхўжаев.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Менга сўз беринг!».
12.35 «Туркий қавмлар». Юз.
12.50 «Санъат олами».
13.10 «Ҳамма куриши шарт... эмас».
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Бухоро» (Бухоро).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хўжа Насриддин». Мультфильм.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Санъаткор саодати». Ш. Аҳмедов.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ишқ дафтарин варақлаганда...». Кинокўрсатув.
20.30 «Хафтанома».
21.05 Телевизион минниатюралар театри.
21.35 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
22.20 Футбол тарихи.
«Аср муҳжизаси» кинодастури:
23.00 Кино янгиликлари.
23.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.35 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 3-серия.
00.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «МХСК — «Суғдиёна» (Жиззах).
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «У ким? Бу нима?»
9.15 Ш. Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан». Видеофильм.
10.30 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
10.40 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
12.00 «Бизнес-академия»
12.15 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
13.05 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ:
13.40 Кўрсатувлар дастури
13.45 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.35 «Интер-футбол».
15.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.55 «Ҳонадонингизга осойишталик тилаймиз».
16.40 «Интер-футбол».
16.55 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.40 Келгуси ҳафтада.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат»
18.30 «Бўш ўтирма».
18.50 «Турфа олам».
19.15 «Нафосат».
19.25, 19.55, 21.00 — Эълонлар
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Жараён».
20.15 «Тақвим». Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Изҳор».
22.15 Якшанба кинозали. Эмилис Эстевес ва Мартин Шин «Уйдаги жанжал» драмасида.
00.15 Миллионлар ўйини.
00.35 Жаҳон халқлари эстрадаси.
00.55 — 01.00 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 «Цирк, цирк, цирк».
*
Россия жамоат телевиденеси.
17.25 — 23.00
*
23.00 Эълонлар.
23.05 «Оскар—98».
00.25 — 00.50 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 «Мультгомоша».
19.00, 21.50 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 «Бугунги кун мавзуси».
20.00 Клип-антракт.
20.10 «Хайрли оқшом!».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 Ишторик этувчилар.
21.20 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.55 Киносалон.
23.55 «Бурҳлар башорати».
00.50 — 01.00 Хайрли тун!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55,133-47-80.
факс — 133-38-55,133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Абдумалик БОБОЕВ,
навбатчи Нурбек ТОШНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 36.136 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 01119

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Бозор ва истеъмолчи

СИФАТ КАФОЛАТИ

Дўкон пештахталарида ва бозор расталарида хилма-хил маҳсулотларни кўриб, кишининг кўзи қувнайди. Улар орасидан ёқанини ва зарурини олишга аҳд қилган синчков харидор унинг қаерники, қачон ишлаб чиқарилганлиги ва сифати билан албатта қизиқади. Бу бежиз эмас. Боиси, бозорларимиз ва савдо шахобчаларида қаерда ва қачон ишлаб чиқарилгани номаълум, истеъмол муддати ўтиб, инсон ҳаётига хавф соладиган маҳсулотлар ҳамон учраб турибди. Шундай экан, харид чоғида синчковлик ва эҳтиёткорлик фойдадан холи эмас. Айтайлик, сиз кашандасиз. Хуморингиз тутиб, тамаки маҳсулоти олиш керак бўлиб қолди, дейлик. Бундай ҳолда аввало, харидор сифатида тамаки қутисида акциз маркаси бор-йўқлигига эътибор беринг. Зеро, қонуний ишлаб чиқарилган, келтирилган ва сотилаётган ҳар қандай тамаки қутисида акциз маркаси бўлиши лозим. Айни чоғда, бу марка маҳсулот сифатининг кафолати ҳамдир.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг акциз маркасисиз сотилиши таъқиқланган. Бу тадбир акциз маркали тамаки маҳсулотларини олиб келишни тартибга солиб, уларнинг ноқонуний сотилишининг олдини олишга ёрдам кўрсатмоқда. Маркалашдаги асосий талаб эса, акциз маркасининг товарга тўғри елимланишидир. Яъни, сигарета қутисининг оғзи очилганида, унга елимланган акциз маркаси йиртилиб ва қайта ишлатишга яроқсиз ҳолга келиши лозим. Шу боис тамаки маҳсулотларини маркалаш йўриқнома бўйича қатъий амалга оширилади. Чунончи, юмшоқ қути ва қопқоғи очиладиган қутиларда маркалаш унинг юқори қисмида шундай амалга оширилдики, марка целофан қопламаси остида жойлашиб, қути очилган чоғида йиртилиши лозим.

Айтиш керакки, чекиш ёки чекмаслик ҳар кишининг ихтиёри. Мабодо, кашанда экансиз, унда акциз маркаси бўлганини харид этганингиз маъқул. Зеро, у биринчидан қонуний маҳсулот белгиси бўлса, иккинчидан сифат кафолати ҳамдир.

Алишер БЕК.

Тошкент Давлат II — Тиббиёт институти тиббиёт-профилактика факультетининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқа театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Тошматовга рафиқаси **Набоҳат Р